



АНКЛАВ ХУДУДЛАРДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Ahmadaliyev Yusufjon Ismoilovich

Farg'ona davlat universiteti geografiya kafedrasida professori, g.f.d

Qo'ziboyev Hasanjon Sobirjon o'g'li

Farg'ona davlat universiteti geografiya kafedrasida magistranti,

Аннотация: Ушбу мақолада анклав ҳудудларда ер ресурсларидан биргаликда фойдаланишнинг амалий аҳамияти, анклав ҳудудлар, республикалараро фойдаланиладиган ерлар ва уларнинг жойлашиши ҳамда ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлашнинг географик жиҳатлар очиб берилган.

Калит сўзлар: ер ресурслари, анклав, эксклав, республикалараро фойдаланиладиган ерлар.

PRACTICAL IMPORTANCE OF USE OF LAND RESOURCES IN ENCLAVES

Ahmadaliyev Yusufjon Ismoilovich

Farg'ona davlat universiteti geografiya kafedrasida professori, g.f.d

Qo'ziboyev Hasanjon Sobirjon o'g'li

Farg'ona davlat universiteti geografiya kafedrasida magistranti,

Annotation: This article reveals the practical importance of joint use of land resources in the enclave, the geographical aspects of the enclave areas, inter-republican lands and their location, as well as ensuring the rational and targeted use of land plots.

Keywords: land resources, enclave, exclave, inter republican used lands.

КИРИШ.

Марказий Осиё минтақаси Евросиёнинг марказий қисмида жойлашган ўзига хос ҳудуд бўлиб, табиий ресурсларига ғоят бойлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида, минтақа ва глобал даражада фаол ташқи сиёсатни йўлга қўйиб, Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантирмоқда. Сўнгги йилларда республикада ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қайта муомалага киритиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, ҳудудларда ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш





ҳолатлари учраётганлиги бу борада рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ягона назорат тизимини жорий этиш ҳамда ваколатли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этмоқда [2, 3, 4].

Ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, ерлар, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож қилинишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сон Фармони қабул қилинди [1]. Унда ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш бўйича вазифалар белгиланди.


АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Анклав ҳудудларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиш юзасидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, анклав ҳудудларга тааллуқли илмий изланишлар билан Е.Винокуров, М.Виноградов, С.Журавский, А.Койчиев, В.Маслов ва бошқалар бевосита шуғулланган. Анклав ҳудудларнинг ривожланиши ва иқтисодийижтимоий ҳаёти, кўпинча, ўраб турувчи давлатга боғлиқ бўлади. Эндиликда давлатлараро муносабатларнинг илиқлашуви натижасида чегаралар ажратиш эмас, боғлаш вазифасини ўтамоқда [14].

Ердан фойдаланиш тартиби, шартлари ва шакллари турли мамлакатларда турлича бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган халқларнинг ерга мулкчилик ҳуқуқи давлат томонидан амалга оширилади. Ер қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш учун ширкат (жамоа) хўжаликларига, давлат, кооператив, жамоат корхоналарига, муассасалар ва ташкилотларга, диний ташкилотларга, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва бошқаларга доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади. Ердан фойдаланиш тартиб ва шартлари Ер кодекси билан белгиланади. Ерни фойдаланишга бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси, вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликлари қарорлари асосида амалга оширилади. Одатда, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар ердан доимий фойдаланувчилар деб ҳисобланади [2, 4, 5].

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР.

Анклав ва эксклав атамалари бир давлат таркибига кирувчи, лекин бошқа бир давлат майдонлари билан ўралган ҳудудларга нисбатан ишлатилади. Бундай ҳудудларнинг пайдо бўлиши, асосан мамлакатлар ўртасида ўтказиладиган делимитация ва демаркация жараёнларига боғлиқ. Ўзбекистонга тегишли бўлган 4 та эксклавлар Қирғизистон ҳудудида жойлашган. Бундан





ташқари, мамлакатда 2 та анклав ҳудудлар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, қуйидаги ҳудудлар Ўзбекистоннинг эксклавлари ҳисобланади:

Сўх тумани Қирғизистоннинг Боткен вилояти ҳудуди (Боткен ва Қадамжой туманлари оралиғида) билан ўралган. Сўх аҳолиси ва майдони жиҳатидан дунёдаги энг катта анклав ҳудуд ҳисобланади. Майдони 352 км². Сўх ҳудудида 80 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 99 фоизи тожик миллатига мансуб, 0,7 фоизи қирғиз ва 0,1 фоизи ўзбек ва бошқа миллатлар вакиллари дир.

Шоҳимардон анклави ҳам Фарғона вилоятининг ҳудуди ҳисобланиб, Фарғона тумани таркибига киради, Қирғизистоннинг Боткен вилояти ҳудуди билан ўралган. Аҳолиси 5255 минг киши. Майдони 90 км². Ўзбекистоннинг «асосий» ҳудудидан 17 км узоқликда жойлашган. 2007 йил Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматлари томонидан туризмни ривожлантириш мақсадида эришилган келишувга кўра, икки мамлакат фуқаролари 2 ой давомида Шоҳимардон ҳудудида визасиз бўлишлари мумкин.


Чўнғара қишлоғи 2018 йил Риштон тумани ҳудудидан Сўх тумани ҳудудига киритилган. Қишлоқ Сўх дарёси соҳилининг ўнг томонида жойлашган. 2018 йилги маълумотларга кўра, қишлоқ аҳолисининг сони 1300 киши атрофида бўлган, майдони 261 гектар. Қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ўзбек ва қирғиз миллатларига мансуб.

Жангайл анклав ҳудуди ҳам Қирғизистоннинг Боткен вилояти ҳудудида жойлашган. Маъмурий тузилишидан Фарғона туманига қарайди. Анклав майдони 1 км²дан кичикроқ. Баъзи маълумотларга кўра, эксклав ҳудудида деярли ҳеч ким истиқомат қилмайди. Бундан ташқари, бошқа давлат таркибига кирувчи, лекин Ўзбекистон ҳудуди билан ўралган анклав ҳудудлар ҳам мавжуд:

Барак Қирғизистон таркибига кирувчи қишлоқ бўлиб, Андижон вилоятининг Кўрғонтепа тумани ҳудудида жойлашган. Майдони 350 гектар. 2009 йилги маълумотларга кўра аҳолиси 700 кишидан кўпроқ бўлган, лекин охириги йилларда аҳолиси камайиб бормоқда. 2014 йилда Баракдаги оилалар сони 20 талиги айтилган эди. Аҳолиси асосан қирғиз ва ўзбек миллатлари вакиллари дан иборат. Маъмурий жиҳатдан, Барак қишлоғи Қирғизистоннинг Ўш вилояти ҳудудига киради.

Саврак Тожикистоннинг Сўғд вилояти ҳудудига кирувчи қишлоқ бўлиб, Наманган вилояти Поп тумани ҳудуди билан ўралган. Эксклав майдони 8,4 км², узунлигига 14 км ва энига 600 метр бўлиб, Сарвак дарёси бўйлаб жойлашган. Тожикистонгача бўлган энг яқин масофа 1,2 кмни ташкил этади. Аҳолиси асосан ўзбек миллатига мансуб.

Ўрта Осиё республикалари ер ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида республикалараро келишув натижасида қабул қилинган ҳужжатларга биноан, Ўзбекистон кўшни давлатлар ҳудудида 18,9 минг гектар ердан узоқ муддат фойдаланади, шундан 1,0 минг гектари Тожикистонда, 17,9 минг гектари Туркменистонда. Шунингдек, кўшни давлатлар Ўзбекистон ҳудудида 505,5 минг





гектар ердан, хусусан, Тожикистон 1,8 минг гектар, Туркменистон 500 минг гектар ва Қозоғистон 2,9 минг гектар ердан узоқ муддат фойдаланади (1-жадвал). Республика ер фонди фойдаланилиши ва турлари бўйича доим ўзгариб туради. Ерларни ўзлаштириш натижасида лалми, яроқсиз ерлар суғорилиб, экиладиган ер ҳисобига ўтиши ёки қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун турли қурилишларга ажратиб берилиши, эрозия таъсирида ва бошқа сабаблар кўра экин экиладиган ерлар ҳисобидан чиқиши каби ҳоллар содир бўлади [7, 8, 9].

1-жадвал


№	Республикалар номи	Ўзбекистон фойдаланадиган қўшни республикалардаги ер, минг га	Бошқа республикалар фойдаланадиган Ўзбекистон ерлари, минг га
1	Тожикистон	1,0	1,8
2	Туркменистон	17,9	500,0
3	Қирғизистон	-	0,8
4	Қозоғистон	-	2,9
	Жами:	18,9	505,5

№ Республикалар номи Ўзбекистон фойдаланадиган қўшни республикалардаги ер, минг га Бошқа республикалар фойдаланадиган Ўзбекистон ерлари, минг га

- 1 Тожикистон 1,0 1,8
- 2 Туркменистон 17,9 500,0
- 3 Қирғизистон 0,8
- 4 Қозоғистон 2,9
- Жами: 18,9 505,5

Бундай ўзгаришлами аниқ ҳисобга олиб бориш иши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган кўрсатма асосида юритилади. Ер ҳисоби (баланси) ҳар йили 1-январгача ерга эгалик қилувчи ва ердан фойдаланувчи хўжаликлар, ташкилотлар, туманлар ва вилоятлар бўйича олиб борилади. Бу ҳужжатлардан қишлоқ хўжалик экинлари турларини жойлаштиришда, олинадиган ҳосил тақсимотида ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Олиб борилаётган ер ҳисоботи шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда 2004-йил 1-январга суғориладиган ер майдони 4275,3 минг гектар бўлиб, умумий майдоннинг 9,5 фоизини ташкил қилади. Республикамиз бўйича суғориладиган ерлардан қишлоқ хўжалигида олинадиган даромаднинг 95 фоизидан кўпроғи олинади. Шунинг учун ишлаб чиқариш манбаларини жадал ривожлантиришда суғориладиган ерлардан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш, янги ерларнинг сифатли ўзлаштирилиши катта аҳамиятга эга. Чунки бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш жадаллашади ва кўпаяди, ривож тезлашади.






Республикамизда бу соҳада кўп ишлар қилинаётганлигига қарамасдан, аҳолининг ўсиш даражаси суғориладиган ерга нисбатан юқори бўлганлиги ҳисобга олинганда, жон бошига суғориладиган ер майдонлари кескин қисқармоқда. Чунончи, 1960-йилда республикада суғориладиган ерлар жон бошига 0,26 гектар бўлган бўлса, 1970- йилда 0,20 гектарни, 1992-йилда 0,17 гектарни, 2005-йилда 0,15 гектарни, 2010-йилда 0,12 гектарни, 2020-йилда 0,11 гектарни ташкил этди. Кейинчалик суғориладиган экин майдонларининг жон бошига камайишини имкон борича тўхтатиш йўлида иш олиб бориш зарур. Бунинг учун, аввало, экин экиладиган майдонларнинг кескин қисқариб кетишига, қишлоқ хўжалик оборотидан тушиб қолишига, иккинчидан, исрофгарчилик ва хўжаликка, суғориладиган ерлар турли қурилишларга ассосиз ажратилишига йўл қўйилмаслиги, учинчидан, қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан тушиб қолган суғориладиган ерларни тиклаш ва эрозияга қарши иш олиб борилиши зарур [5, 6, 10, 11, 13].

Анклав ҳудудлардаги биологик ва ландшафт хилма-хиллигини муҳофаза қилишда ҳамда ўшни далавлар билан ҳамкорликда оқилона фойдаланишни ташкил этишда трансчегаравий муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар(ТМЭХ)нинг аҳамияти каттадир. Тянь-Шань ва Памир-Олой тоғ тизмалари ҳам —“Global 200” рўйхатига киритилган экотегеионлардан бири ҳисобланади. Чунки, бу тоғ тизмаларида шаклланган экотизимларда биологик турлар хилма-хиллигининг энг юқори концентрацияси кузатилади. ТМЭХлар ташкил этилса қуйидаги биогеографик ва иқтисодий фойдага эришилади: бир неча минтақаларда торқоқ ҳолда жойлашган МЭТХларни ягона тизимига бирлаштириш имконияти ортади; МЭТХлар тизимининг чидамлигини оширади ҳамда муҳофаза қилиш функциясининг самарадорлиги ортади; илмий тадқиқотларни ҳамкорликда ўтказиш, маълумотлар айирбошлаш ва тадқиқотларга ажратилган ҳаражатлар оптималлаштирилади, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамиятини янада орттиради; ТМЭТХлардан рекреация ва экотуризм мақсадларида кенг фойдаланиш орқали катта иқтисодий фойда олишга эришилади [3, 12].

ХУЛОСА

. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, анклав ва эксклав ҳудудлар, республикалараро фойдаланиладиган ерлар ва уларнинг жойлашиши ҳамда ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Юқорида ҳам таъкидлаб ўтилганидек Ўзбекистоннинг бир нечта анклав ва эксклав ҳудудлари мавжуд бўлиб, улар кичикроқ бўлган ҳудудларни егаллайди. Бундай ҳудудларда табиийки турли хил муаммолар юзага келади. Шундай муаммолардан бири, транспорт муаммоси, яъни фуқароларнинг ўз давлати ҳудудига ўтиш жараёнидаги транспорт муаммолари. Шу ва бошқа муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан янги ислохотлар амалга оширилмоқда.






Ўрта Осиё республикалари ер ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида республикалараро келишув натижасида қабул қилинган ҳужжатларга биноан, Ўзбекистон қўшни давлатлар ҳудудидан узоқ муддат фойдалана олади. Шунингдек, қўшни давлатлар ҳам бевосита Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланади. Ушбу келишувдан асосий мақсад ер ресурсларидан биргаликда ва унумли фойдаланиш ҳисобланади.

Таҳлиллар табиатни муҳофаза қилиш ҳамда ундан барқарор фойдаланиш самарадорлиги ҳар бир минтақадаги барча мамлакатларнинг фаол иштирокига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Чунки, атроф муҳитни ифлосланиши ва табиий ресурсларни қашшоқлашиб бориши чегара ёки тўсиқ билмайди. Шунингдек, бундай жараёнларни глобаллашуви барча давлатларнинг асосий манфаатларга даҳл қилмоқда. Шунинг учун, табиатни муҳофаза қилиш ва ундан барқарор фойдаланиш учун ТМЭТХларни ташкил этишнинг геоэкологик жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон Фармони.
2. Аҳмадалиев Ю. И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси //Т: Fan va texnologiya. – 2014. – Т. 340.
3. Аҳмадалиев Ю. И., Абдуғаниев О. И. The value of geocological principles in the system of protected natural territories //Ўзбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик салоҳияти ва истиқболи. – 2019. – С. 48-50.
4. Аҳмадалиев Ю.И. НЕОБХОДИМОСТЬ ПРОБЛЕМНОГО ПОДХОДА К ИССЛЕДОВАНИЮ ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ РЕГИОНА //Актуальные вопросы современной науки. – 2015. – №. 3. – С. 24-28.
5. Ahmadaliyev Y. I. et al. Changes in the Natural Composition of the Land Fund and Its Protection (on the Example of Khojaabad District) //Academicia Globe: Inderscience Research. – 2021. – Т. 2. – №. 04. – С. 165-168.
6. Ahmadaliyev Y. I. et al. Geocological and Farm Stress Level (on the Example of Khojaabad District) //Academicia Globe: Inderscience Research. – 2021. – Т. 2. – №. 04. – С. 169-174.
7. Аҳмадалиев Ю. И. Этноэкологическая культура населения Ферганской долины в конце XIX и начале XX века //Социально-экономическая география. Вестник Ассоциации российских географов-обществоведов. – 2015. – №. 4. – С. 181-187.
8. АХМАДАЛИЕВ Ю.И., КОМИЛОВА Н.Ў. ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ. – 2020.





9. Аҳмадалиев Ю. И., Алимджанов Н. Н. ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТРАДИЦИОННОГО ВОДОПОЛЬЗОВАНИЯ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ //География: развитие науки и образования. – 2020. – С. 375-380.

10. Аҳмадалиев Ю. И., Абдувалиев Ҳ. А., Алимджанов Н. Н. ABOUT THE ETHO GEOGRAPHIC ROOTS OF PROBLEMS OF THE CONSUMING WATER AND GROUND RESOURCE //Геоэкологические проблемы бассейна Аральского моря: научные идеи, исследования, инновации. Сборник материалов Международной научно-практической конференции. – 2019. – С. 107-111.

11. Аҳмадалиев Ю. И. ЭТНОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ //Известия Географического общества Узбекистана. – 2015. – Т. 45. – С. 180-183.

12. Абдуганиев О.И., Аҳмадалиев Ю.И. Трансчегаравий муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этишнинг геоэкологик жиҳатлари. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 53-жилд. Илмий журнал. Тошкент, 2018. Б.28-32.

13. Abduganievich, A. N. (2020). Application Of The Landscape Approach To The Study Of The Population Distribution Of The Fergana Valley. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(07), 291-297.

14. Жумаханов Ш.З., Мирзаахмедов М.С., Солиев И.Р. Анклав ва эксклав ҳудудлар географияси [Монография]. - Наманган : "Наманган", 2014. – Б. 128.

